

MR 13494

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК номидаги ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 821.134.2:821.512.133К82.091

МИРЗАЕВА НИГОРА БОЗОРОВНА

**XX АСР ШЕЪРИЯТИДА МЕТАФОРИК ОБРАЗ МУАММОСИ
(ГАРСИА ЛОРКА ВА ШАВКАТ РАҲМОН
ШЕЪРИЯТИ МИСОЛИДА)**

10.01.08 - Адабиёт назарияси

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2006

Тадқиқот Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети Рус ва хорижий халқлар адабиёти кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

Филология фанлари доктори,
профессор **Ҳ. БОЛТАБОЕВ**

Расмий оппонентлар:

Филология фанлари доктори,
профессор **Б. Саримсоқов**

Филология фанлари номзоди,
доцент **И. Ғафуров**

Етакчи ташкилот:

**Низомий номидаги Тошкент
Давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси 2006 йил 25 May соат 14⁰⁰ да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Д 067.02.16 рақамли Фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгашнинг мажлисида ўтказилади.

Манзил: 700174. Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, Ўзбек филологияси факультети, ауд. 409.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Илмий кутубхонасида танишиш мумкин.

(700174. Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, Асосий бино)

Автореферат 2006 йил 24 April да тарқатилди

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, филология
фанлари номзоди:



У. ЖЎРАҚУЛОВ

Мавзунинг долзарблиги. Бадийлик табиатини ўрганиш, унинг асос ва мезонларини белгилашга интилиш адабиётшуносликнинг азалий ва муҳим хусусиятларидандир. Адабиётшуносликда ҳам мана шу илмий муаммога бағишланган тадқиқотлар талайгина бўлса ҳам ўзбек шеъриятида бадийликнинг асоси бўлган поэтик образ табиатини тадқиқ қилган ишлар талаб даражасида эмас. Бунинг боиси шўро адабиётшунослигида поэтик образга бир томонлама ёндашилиб, унга фақат «ғоя ташувчи поэтик восита» сифатида қаралиши бўлса, иккинчи томондан, образлар табиати билан боғлиқ қарашлар, асосан, кишилар образи, табиат образи (пейзаж), ҳайвонлар образи ва нарсаси-предметлар образи каби тасниф билан чекланиб қолinganлигидандир.

Адабиётшуносликда бадий образ хусусиятини ўрганувчи ишлар мавжуд бўлса ҳам XX аср шеъриятида жуда фаол қўлланилаётган метафорик образ табиатига доир тадқиқотлар олиб бориш илмий эҳтиёжга айланди. Бундай образлар моҳиятини ўрганмай туриб, шеършуносликдаги адабий тур ва жанрлар, шакл ва мундарижа, поэтик нутқ ва услуб муаммоларини тадқиқ этиш ҳам қийинлашмоқда. Қолаверса, Истиқлол шарофати туфайли бадий адабиётдаги ҳар бир ҳодиса ўз ички мураккаблигида, ҳеч қандай мафкуравий таъйин ва тўсиқларга ён бермай ҳолис тадқиқ этилиш даврига киргани учун ҳам шеърятдаги метафорик образ табиатини ўрганиш, унинг маъно ва туйғу қамровларини белгилаш, бу образ имкониятидан кенг фойдаланган шоирлар асарларини таҳлил қилиш, уларнинг адабий-эстетик дунёси, сир-синаотини тадқиқ этиш филология илмининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Метафорик образ (истиоравий тимсол) мумтоз шеърятда кўп қўлланилган бўлса ҳам, бироқ мумтоз адабиётшунослик бу ҳодисага «илми саноеъ» доирасидагина қараган ва истиора асосига қуриладиган бир қанча лафзий ва маънавий санъатларни белгилаш билан чекланган эди. Холбуки, шеърятда метафорик образнинг вазифаси кенг, қўламли ва муҳимдир. Шунинг учун ҳам унинг табиатига доир назарий қарашларни тадқиқ этиш натижасида Шарқ ва Ғарб шеърятдаги устувор хусусиятларни белгилаш, адабий таъсир, анъана ва издошлик масалалари акс этган шоирлар ижодларидаги муштарак ва фарқли жиҳатларни тадқиқ этиш ҳам шу кун шеършунослиги олдига турган долзарб илмий муаммолардан ҳисобланади.

XX аср шеърятда адабий таъсир ва ўзаро ҳамкорлик доирасида муштарак мавзу, ғоя, туйғу ва оҳанглар кўп кузатилган. Айниқса, ўзбек шоирлари жаҳон шеърятининг устувор поэтик хусусиятлари билан ошно бўлиши натижасида улар ижодларида ҳам шакл, мазмун, услуб ва бошқа жиҳатлар бўйича янгиланиш содир бўлди. Ана шу янгиланиш асосида жадид шеърят шакллари ва у мумтоз ўзанини умумжаҳон шеърятдаги поэтик ҳодисалар ҳисобига бойитди. Шарқнинг Ғарбга таъсири ҳозирги кунда яхши аён бўлгани каби Ғарбдаги айрим улуғ шоирлар Шарқда ҳам ўзларининг изидан юриб, ижодий баркамолликка эришган «шоғирдларини етиштириб чиқардилар». Ана шундай муштарак муносабатларни Маяковский ва Фафур Фулом, Нозим Ҳикмат ва Шайхзода, Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон ижодларида кузатиш мумкин. Бундай поэтик издошлик истеъдодли шоирлар ижодида фақат анъана ва ворислик доирасида қолиб кетмаган, балки шеърятда маълум маънода уларнинг ўз йўлларини белгилаб олишига, ўз

овозларини топишига кўмаклашган. Испан шоири Гарсиа Лорка ва ўзбек шоири Шавкат Раҳмон ижодидаги муштарак ва ўзига хос жиҳатларни ўрганиш ҳам ана шу маънода бугунги адабиётшунослик олдида турган долзарб илмий муаммолардан саналади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Метафорик образ Фарб шеъриятида алоҳида бадиий ҳодиса сифатида тан олинган ва уни тадқиқ этиш ҳам изчил амалга оширилган. Бу жиҳатдан И.В.Хёте, Д.Дидро, Г.Ф.В.Хегел, Хосе Ортега-и-Гассет, Э.Ортони, Р.Якобсон; В.Шкловский, Б.Эйхенбаум, В.Жирмунский, Л.Тимофеев, М.Б.Храпченко, Ю.Лотман, Г.Н.Поспелов, В.Е.Хализов, Е.В.Ермилова, В.И.Еремина, Е.А.Некрасова¹ каби назарийчиларнинг ишлари аҳамиятлидир. Шунингдек, жаҳон шеършунослигида «Метафора в языке и тексте» («Тил ва матнда метафора», 1988), «Теория метафоры» («Метафора назарияси», 1990) каби мавзуга доир жамоа тўпламлари эълон қилингани ўзбек адабиётшуносларини ҳам шу йўналишдаги янги изланишларга чорлайди. Ўзбек шеъриятида бадиий образ табиатиини ўрганишга бағишланган О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, А.Расулов, Б.Назаров, Б.Акрамов, Б.Саримсоқов, И.Ғафуров, Н.Раҳимжонов, Б.Норбоев, А.Шаропов, У.Ҳамдамов, Х.Тошматов, М.Йўлдошева² ва бошқа олимларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Диссертация ишнинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертациянинг мавзуси Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети Рус ва хорижий халқлар адабиёти кафедраси илмий ишлари режасида акс этган ва ушбу даргоҳнинг илмий кенгашида тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади. Диссертациянинг асосий мақсади адабиётшуносликда метафорик образнинг моҳияти, маънолар кўлами, поэтик турларини тадқиқ этиш ҳамда Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеърятини қиёсий ўрганиш орқали ушбу образ табиатига доир назарий умумлашмалар яратишдан иборатдир.

¹ Гёте И.В., Шиллер Ф. Переписка в 2-х томах. — М.: Искусство, 1988; Дидро Д. Салоны. — М.: Искусство, 1971; Гегель Г.Ф.В. Эстетика в 4-х томах — М.: 1986; Хосе Ортега и Гассет. Две великие метафоры. / Теория метафоры. — М.: Прогресс, 1990 — С 68—81; Э. Ортони. Роль сходства в уподоблении и метафоре. / Теория метафоры. — М.: Прогресс, 1990. —С. 219—235; Якобсон Р. Избранные работы по поэтике — М.: Прогресс, 1985, Шкловский В. Б. Избранные работы в 3-х томах. —М.: Художественная литература, 1979, — С.219—236; Эйхенбаум Б. О прозе, о поэзии. — М.: Художественная литература, 1986; Жирмунский В. М. Теория литературы Поэтика. Стилистика. — Л.: Наука, 1977; Тимофеев А. Слово в стихе. — М.: СП, 1982; Храпченко М. Б. Горизонты художественного образа — М.: Художественная литература, 1986; Лотман Ю. Анализ поэтического текста. Структура стиха. —М.: 1972; Поспелов Г. Н. Вопросы методологии и поэтики. — М.: Изд-во МГУ, 1983; Хализов В. Е. Теория литературы. — М.: Высшая школа, 1999; Ермилова Е. В. Метафоризация мира в поэзии XX в. / Контекст, 1976. — М.: 1977; Еремина В.И. Метафора и ее формы / Поэтический строй русской народной лирики — Л.: 1978; Некрасова Е. А. Метафора и ее окружение в контексте художественной речи / Слово в русской советской поэзии. — М.: 1975.

² Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Норматов У. Тафаккур еғдуси. — Т.: 2005; Акрамов Б. Шеърят гавҳари (Африкада образ муаммоси) — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари — Т.: Янги аср авлоди, 2004; Ғафуров И. Дил эркинлиги. — Т.: Маънавият, 1998; Ғафуров И. Лириканинг юраги — Т.: Ёш гвардия, 1982; Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. — Т.: Фан, 1979; Норбоев Б. Курашчан шеърят. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977; Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. — Т.: 1983; Ҳамдамов У. 30—йиллар шеърятини «соф лирика» муаммоси. Филол. фанлари номзоди... дисс. — Т.: 1999; Тошматов Х. Ўзбек халқ дostonларида поэтик кўнимлар. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. — Т.: 2002; Йўлдошева М. Ҳозирги ўзбек модерн шеърятини. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. — Т.: 2004 ва бошқалар.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот олдига қўйилган илмий мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

- метафорик образнинг табиатини ва назарий моҳиятини англаш;
- метафорик образнинг XX аср ўзбек шеъриятидаги ўрнини белгилаш;
- Шавкат Раҳмон ижодида испан шеърятининг, жумладан, Гарсиа Лорка ижодининг таъсири даражасини аниқлаш;
- Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеъриятидаги метафорик образларни қиёсий таҳлил этиш;
- Шавкат Раҳмон шеърларининг бадий–услубий хусусиятларини ўрганиш;
- Шавкат Раҳмон шеъряти бадийятининг ўзига хослигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Метафорик образ табиати жаҳон шеършунослигида эътиборталаб илмий муаммолардан ҳисобланиб, етарли даражада ўрганилганига қарамай ўзбек адабиётшунослигида бу илмий муаммога назарий муносабат XX асрнинг 70-90-йилларида шакллана бошлади. Бироқ ҳали ўзбек шеършунослигида метафорик образ табиати ва поэтик моҳияти етарли даражада тадқиқ этилмаган. Бугунги ўзбек шеъриятида метафорик образнинг ранг-баранг қирралари Фарб шеъряти таъсирида намоён бўлмоқда. Тадқиқотда илк бор метафорик образ тушунчасига аниқлик киритилди, бу адабий истилоҳнинг моҳияти белгиланди, метафорик образ яратилиши учун асосий омил саналган метафора назариясига доир мавжуд фикрлар илмий умумлаштирилди. Жумладан, бу ижодий ходиса аниқ кўзга ташланган Шавкат Раҳмон шеъриятида Гарсиа Лорка ижодининг таъсири сезиларли ва ўзига хос бадий жараён сифатида кечган. Шоир Шавкат Раҳмон XX аср ўзбек шеъриятида ўзига хос услубга, ўз овозига эга бўлган шоирлардан ҳисобланса-да, ҳали бу ижодкор шеъряти ҳақида махсус тадқиқот яратилмаган. Шоир ижоди давомида туркий халқлар маънавий тафаккур дунёсини бойитиш учун, миллий характер, миллий колорит, миллий туйғуни шакллантириш учун муносиб ҳисса қўшган. Ўзбек адабиётшунослигида ушбу тадқиқот орқали адабий таъсир, издошлик ва ўзига хослик каби муносабатларнинг назарий талқинлари илк бор амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация адабиёт назариясида метафорик образ табиатини назарий жиҳатдан ва унинг моҳиятини испан шоири Федерико Гарсиа Лорка ҳамда ўзбек шоири Шавкат Раҳмон ижоди мисолида қиёсан ўрганишга киришгани учун ҳам муҳим илмий аҳамиятга эга. Диссертация натижаларидан келиб чиқадиган назарий умумлашма ва хулосалар ўзбек адабиётшунослигида бадий образ поэтикасини тадқиқ қилишда, уни янги назарий қарашлар билан бойитишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидаги ҳолларда акс этади:

- Олий ўқув юртларининг бакалаврият ва магистратура босқичидаги филолог талабаларга адабиёт назарияси, хорижий халқлар ва ҳозирги ўзбек адабиёти бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда;
- умумтаълим мактабларида XX аср ўзбек адабиётидан дарс беришда, хусусан, шоир Шавкат Раҳмон ижодини ўрганишда;
- академик лицей, касб-хунар коллежларида «Адабиёт қондалари» ва XX аср адабиётини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва методи. Таҳлил жараёнида Шарқда эстетик тафаккур тараққиётига хизмат қилган Форобий, Умар Родуёний, Рашидиддин Ватвот, Алишер Навоий, Бобур, Атоуллоҳ Хусайний каби алломалар ва бадий асар поэтикасини ўрганишда фундаментал тадқиқотлар сифатида тан олинган Аристотель, И.В.Хёте, Д.Дидро, Г.Ф.В.Хегел, Хосе Ортега-и-Гассет, Э.Ортони, Р.Якобсоннинг ишлари; В.Шкловский, Б.Эйхенбаум, В.Жирмунский, Л.Тимофеев, М.Б.Храпченко, Ю.Лотман, Г.Н.Поспелов, В.Е.Хализев, Е.В.Ермилова, В.И.Еремينا, Е.А.Некрасова каби адабиётшуносларнинг бадий образ табиати, метафора ва метафорик образга доир илмий тадқиқотларига таянилди.

Ўзбек олимлари Иззат Султон, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, А.Расулов, Б.Назаров, Б.Акрамов, Б.Саримсоков, И.Фахуров, Н.Раҳимжонов, Ҳ.Болтабоев, Д.Курунов кабиларнинг тадқиқотлари диссертация муаллифига танланган илмий муаммони ёритишда ёрдам берди.

Тадқиқот манбаи. Тадқиқот манбаи сифатида Шавкат Раҳмоннинг ўттиз йиллик ижоди давомида яратилган шеърят, жумладан, шоирнинг «Сайланма» (1997) тўпламига киритилган шеърлари белгиланди. Шавкат Раҳмон ижодига таъсир кўрсатган омиллардан бири сифатида испан шеърят, хусусан, Гарсиа Лорка ижоди («Энг қайғули шодлик» тўлами, 1989) белгилангани учун ҳар икки шоирнинг шеърӣ тўпламлари тадқиқот объектнинг асосини ташкил қилади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида Рус ва хорижий халқлар адабиёти ҳамда Жаҳон адабиёти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Жаҳон адабиёти ва назарияси кафедраларининг мажлисларида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни диссертантнинг илмий мақолаларида, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари ва Ўзбекистон Миллий университетлари ёш олимлари илмий анжуманларида қилинган маърузаларда акс этган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот ўз олдида қўйган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда Кириш, уч боб (ҳар бир боб иккитадан фаслни ўз ичига олади), Хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 135 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, илмий янгилиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқот манбаи, назарий-илмий аҳамияти, услубий асослари ҳамда таркибий тузилиши ҳақида маълумот берилди.

Диссертациянинг биринчи боби **«XX аср шеърятда метафорик образ табиати»** деб номланиб, унда метафорик образнинг адабиётшуносликдаги илмий-назарий асослари белгиланди. Бобнинг **«Метафорик образ истилоҳининг моҳияти ва адабий-назарий қамрови»** номи биринчи фаслида метафорик образ ҳақидаги назарий тушунчалар, шеърятда метафорик образ табиатига доир қарашлар умумлаштирилиб, улар асосида илмий-назарий хулосалар қилинди.

XX аср ижтимоий турмуш, моддий ҳаёт, фан ва техникадагина эмас, балки бадий тафаккур оламида ҳам янгиликлар ясади. Ижодкор шахсига,

унинг поэтик дунёсига нисбатан караш ўзгарганлиги туфайли ҳам у иш кўраётган поэтик жанрлар, образлар ва адабий воситалар янгиланди. Ҳар бир поэтик ҳодисага янгича эстетик тафаккур нуқтан назаридан ёндашиш бошланди. Замоновий адабиётшунослик энди шоир ва шеърга нисбатан эмас, айрим поэтик ҳодисаларга, назарий тушунча ва тамойилларга нисбатан ҳам ўз қарашларини кенгайтирди. Шарқ ва Ғарб адабиётларидаги умумий ва муштарак жиҳатлар ҳақида сўз юритганда анъана ва издошлик, адабий таъсир ва ворислик қолипи билан эмас, балки ўзаро мавжудлик белгилари (компаративистик) асосида ўрганиш илмий русумга айланди.

Адабий жараёндаги бу ўзгаришлар ўзбек шоирларига ҳам тааллуқли бўлиб, энди уларнинг ижодини мана шундай янгиланган поэтик тафаккур нуқтан назаридан қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди. Ана шундай адабий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда шеърятдаги *метафора*, *метафорик образ* каби назарий тушунча ва тамойилларга муносабат билдиришга тўғри келади.

Метафора адабий истилоҳ сифатида кўчим тури бўлиб, бир предмет ёки ҳодиса ва кўринишга хос хусусиятнинг бошқасига кўчишидир¹. Мумтоз адабиётшуносликда метафоранинг эквиваленти сифатида *истиора* (форсча «қарзга олиш») истилоҳи мавжуд бўлиб, Ибн Халдул, Умар Родуёний, Рашидиддин Ватвот, Қайс Розий, Шайх Аҳмад Тарозий асарларида шеърин санъат тури сифатида кўрсатилади². «*И с т и о р а* шундайки, деб ёзди Рашидиддин Ватвот, - сўз ўз маъносига эгадир ёки шоир уни ўз маъносидан ташқари бошқа маънода ишлатади, гўёки «қарзга олгандай»... бу билан нутқ зийнатланган бўлади»³. Атоуллоҳ Ҳусайний: «*И с т и о р а* мажознинг бир навиъдур ва мажоз ҳақиқатнинг зиддидур... Лафзин ўз ясоғидан ўзгада ишлатмоқ бир нимани *орийатқа олган* янглиг бўлгани учун, ани истиора деб атаптурлар» деб ёзган⁴. Атоуллоҳ Ҳусайний талқинида сўзнинг маъно кўчишигина эмас, балки ўша кўчма маъно билан тўғри маъно ўртасидаги алоқадорлик назарий асос сифатида ўрганилмоқда. Фитрат истиорага «Бир сўзнинг ўз маъносидан бошқа бир маъно учун ишлатилмагидир. Шул шарт биланким, у сўзнинг ўз маъноси билан янги маъноси орасида бир турлук ўхшашлик бўлсун»⁵ деб қисқа таъриф берган. Проф. Б.Саримсоқов ишларида метафора (яъни истиора) талқинида анъанавий ва индивидуал истиоралар фарқлаб тушунтирилган⁶, бу ҳолатда ҳам тасниф учун назарий асос сифатида ўз ва кўчма маънолар ўртасидаги алоқадорлик олинган.

Арасту давридан бошлаб шарқ мумтоз адабиётшунослигида, асосан бир хил, яъни кўчим тури сифатида тушунилган ҳодиса XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб, «ижодкор эрки ва озодлиги, унинг интенсив кенгайиши

1 Литературный энциклопедический словарь. — М.: СЭ, 1987. — С. 218.

2 Ибн Халдул. Шифа ас-саил ал-тахзиб ал-масаил (нашр. Б. Муҳаммад). — Анқара: 1958; — С. 84—171, 226—324; Умар Родуёний. Таржумону-л-балоға (Таҳияи матн, муқаддима ва тавзеҳот Х. Шарипов) — Душанбе: Доинш, 1987. Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам (муаллифи сарсухани тавзеҳот ва ҳозиркунадан чоп У. Тоиров). — Душанбе: Адиб, 1991. — Б. 31—38; Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға (нашрга тайёрл. А. Хайитметов, Э. Умаров) — Т.: 1996.

3 Рашид ад-Дин Ватвот. Ҳадоик ас-сиҳр фи дакаиқ аш-шигър (Сади волшебства в тонкостях поэзии). Перевод с персидского, исследование и комментарий Н. Ю. Чалисовой — М.: Наука, 1985.

4 Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиғу-с-санойиғ (Форсчадан Алибек Рустамов таржимаси). — Т.: 1981. — Б. 36.

5 Фитрат А. Адабиёт қондалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун (Нашрга тайёроловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев) — Т.: Ўқитувчи, 1995. — Б. 64.

6 Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. — Т.: Янги аср аводи, 2004. — Б. 49.

билан дунёни метафорик қабул қилиш воситасига айланди»¹, «материяни қабул қилиш воситаси» сифатида қабул қилинадиган бўлди².

Ғарб адабиётшунослигидаги XX асрга тегишли манбаларда метафорага поэтик тафаккур тарзи сифатида ёндашилган. Бу ҳақда Н.Д. Арутюнова ёзади: «Санъатда бадний образнинг метафора воситасида яратилиши ижодий жараёни бир мунча мураккаблаштиради. Бадний тафаккур образдан узоклашмайди, аксинча, унга қараб интилади. Шунинг учун ҳам метафора восита ёки қурол эмас, балки поэтик тафаккур асосидир. Унинг моҳияти ва мақомига биноан бадний матнга мос келиши талаб этилади»³. Демак, метафора дунёни ўзига хос кўриш ва уни ҳиссий қабул қилиш билан боғлиқ ҳодисадир. Шеърининг мавжудлик белгиси, кўпинча, метафора орқали тушунтирилгани сир эмас.

Ф.Г.Лорка ўзининг «Илҳом ва фикрлаш ҳақида» мақоласида «Мен учун тафаккур қилиш кашф этишнинг синонимидир... Тафаккурнинг ҳақиқий фарзанди эса, метафора, у оний интуиция орқали туғилган ва олдиндан кўра билишнинг давомли хавфидан ранг олган»⁴ деб ёзади. Метафора шеърда шоир ғоясини очиб беришда, сўнгра унинг шахси, олами, ижодий индивидуаллиги ҳақида маълум тасаввур туғдиришга имкон беради. Масалан, юқоридаги назарий англатма асосида Г. Лорканинг ўз шеърларида шундай мисолни кўриш мумкин: *Ой санчади денгизга, узун нурли муғузин*⁵.

Метафоралар оламнинг сеҳридан, жозибасидан, унинг чексизлиги ва рангиллигидан шоирона таъсирланиш, ҳайратланиш натижасида туғилади. Батзан маъно кўчми ўзаро ўхшашлик ва яқинлик асосида эмас, балки маъно зидлиги асосига қуриладики, буни Ғарб истилоҳида оксиморон дейилади. Масалан, *қайгули шодлик* (Лорка), *қора қор*, *ёнгинли дарё* (Рауф Парфи) каби. Улар мисрага, бандга, умуман, бутун шеърга маънавий салмоқ ва бадний таъсирчанлик бағишлайди. Шоир фикрларини образли тафаккурга айлантиришга имкон яратади.

Метафорани поэтик фикрлаш тарзи билан, ижодкор фантазияси билан боғлиқ ҳолда тушуниш ва тушунтириш XX аср бошларида ОПОЯз (Общество поэтического языка)чилар, кейинроқ, рус формал мактаби асосчиларининг қарашларида ҳам акс этган. Шоирнинг дунёни кўришда, уни қабул қилишда, қайта яратиш жараёнида метафорага мурожаат қилиш табиий ижодий жараён бўлиб, мана шу жараёни кузатиш, яъни поэтик образ яратишда борлиқ ва тафаккур, манзара ва ҳиссиёт ўртасидаги муносабатларни ҳам ўрганиш керак бўлади. Бу ҳолат биргина поэтик метафора табиятини ўрганишга нисбатан кенг ва мураккаб жараёндир. Биз метафорик образ яратилишида асос саналган бадний нутқ таркибидаги метафора хусусиятларини ва поэтик образ табиятининг истиоравийлашув жараёни билан боғлаб ўрганишга ҳаракат қиламиз. Шундан келиб чиққан ҳолда «дунёни метафорик қабул қилиш» (метафорическое восприятие), «метафорик тасвир» (метафорическое изображение), «метафорик тимсол» (метафорический образ) каби тушунчаларни фарқлаймиз.

¹ Литературный энциклопедический словарь. — М.: СЭ. 1987 — С. 218.

² Маццельштам О. Разговор о Данте. — М.: 1967. — С. 83.

³ Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс. / Теория метафоры. — М.: Прогресс, 1990. — С. 15.

⁴ Иқтибос ушбу манбадан олинди: Теория метафоры. — М.: Прогресс, 1990. — Б. 20—21.

⁵ Лорка Ф.Г. Энг қайгули шодлик. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриети, 1989. — Б. 173.

Борлиқни ўз ҳолида ва метафорик қабул қилиш асосида тасвирнинг ҳам «тўғридан тўғри ва метафорик турлари» фарқланилган¹. Ниҳоят, бадний образнинг иккиёқлама хусусияти (конкрет ва умумлашма)дан келиб чиқиб, образларни ҳам аниқ (конкрет) ва метафорик турлари фарқланиши мумкинлиги айtilди. Метафора шеърятнинг асоси сифатида кўпинча семантик жараёнлар негизида пайдо бўлади. Метафорик образ, бир томондан, мантик билан, иккинчи томондан, мифология билан узвий боғлиқ бўлади. Бу тўғрисида Г.Лорка ёзди: «Метафора бўлмаса, шеърят «яраланган оху»га ўхшаб қолади»². Шоирнинг метафоралари бошқа тасвир воситалари каби шеърятнинг бутун жисми билан ҳиссий, мантикий, тасвирий ва ғоявий жиҳатдан чамбарчас боғланган бўлиши керак.

Иккинчи фаслда метафорик образнинг замонавий адабиётшуносликдаги ўрни, хусусан, жаҳон адабиёти назариясидаги онтологик тушунчалар ва унинг таркибида шеърый тимсол масалалари таҳлил қилинади.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам метафорик образнинг мавжудлиги нисбатан кейинроқ бўлса-да қайд этилиб, унга *истиоравий тимсол* атамаси берилди³. Демак, ишчи атама сифатида қабул қилинган *метафорик образ* тушунчаси ва адабий истилоҳи адабиётшуносликда мавжуд эканини қайд қилган ҳолда поэтик образ табиятини белгилашга ҳаракат қилган манбаларга мурожаат қиламиз⁴.

Рус олими М.Б.Храпченко «Бадний образ уфқлари» китобида бадний образ назариясига доир масалаларда доимо Хегел қарашларига асосланиш лозимлигини уқтиради. Чунки поэтик образ Хегел талқинича, «умумийлик ва хусусийлик, яъни индивидуалликнинг бирлиги бўлиб, бу поэтик бирлик асосидаги санъат абсолют руҳдан келиб чиқади ва унинг мақсади ўша абсолютликнинг ҳиссий ифодасидан иборатдир»⁵. Шундан келиб чиққан ҳолда, санъат асарининг мушарражасини абсолют руҳ ташкил қилади, бадний шакл эса ўша руҳнинг ифода воситаларидан бири сифатида қаралади. Бадний образ ҳам Хегел қарашларидан бошланиб, то замонавий адабиётшуносликкача бадний шаклнинг ифода воситаларидан бири деб англатилган. Мана шу қарашлардан келиб чиққан М.Б.Храпченко бадний образ уфқларини белгилашда образга борлиқнинг индивидуал-конкрет ҳиссий ифодаси сифатида ёндашган⁶. Худди шундай ёндашиш Л.Тимофеевнинг «Шеърда сўз» китобида кузатилади, муаллиф бадний асарнинг образлар тизимида сўзнинг ўрнини алоҳида таъкидлайди ва сўзгина ўша умумий ҳодисага конкретлик, алоҳидалик бағишлашини айтиб ўтади⁷.

Инсон адабиётнинг асосий манбаи ҳисобланар экан, ижодкор унинг атрофидаги воқеа-ҳодисалар, табиат манзараларини қандайдир поэтик образлар ёрдамида гавдалантиради. Ҳар қандай поэтик образ инсон эстетик

¹ Драгомирецкая Н. В. Метафорическое и прямое изображение / Проблемы художественной формы соц. реализма. — М.: Наука, 1971. — С. 301—331.

² Иқтибос ушбу манбадан олинди: Теория метафоры. — М.: Прогресс, 1990. — С.16.

³ Саримсоқов Б. Баднийлик асослари ва мезонлари. — Т.: Янги аср авлоди, 2004. — Б.47—51.

⁴ Хализев В. Е. Теория литературы. — М.: Высшая школа, 1999; Подгаецкая И. Ю. Поэтический образ и действительность. / Проблемы художественной формы соц. реализма. — М.: Наука, 1971. — С. 332—362.

⁵ Гегель Г. В. Ф. Эстетика в 4-х томах Т. 1. — М.: Искусство, 1968. — С. 75.

⁶ Храпченко М. Б. Горизонты художественного образа. — М.: Художественная литература, 1986. — С. 12.

⁷ Тимофеев Л. Слово в стихе. — М.: СП, 1982. — С. 200—201.

дунёкарашн, онгн ва тафаккурининг ривожн учун хизмат қилади. Сўзга яқин маъно, янги бадиийлик ифода этиш шоир истеъдодига, сўз қўллаш маҳоратига, ҳис-туйғуларнинг самимийлигига, фикрнинг теранлигига боғлиқ. Шоирнинг ҳаётий тажрибаси чуқурлашиб, ғоявий ва бадиий қувватининг ошиши билан унинг ҳар бир шеърида метафорик образ ҳам мураккаблашиб боради. Бу образлар шоирнинг ҳаёт ҳақида тасаввурини яхшироқ англашга хизмат этади:

Юлар *офтобнинг сочларини*
Еру осмон йўлида
*Куйиб кетган булутлар*¹.

Кўчимларни моҳирона ишлатиш шоирнинг истеъдодини белгиласа, янги метафораларни кашф этиш учун сўз ва кўчим ўртасидаги ўхшашликни пайкаш зарур. «Мураккаб сўзлар кўпроқ дифирамб учун, ноёб сўзлар қахрамонлик шеърларига, метафоралар эса ямб шеърларига мос келади»² деб ёзганда Арасту метафоранинг энг муҳим вазифаси - соф лирика учун қўлланишини назарда тутган. Юқорида келтирилган Рауф Парфи шеърида ҳам кўчим (*куйиб кетган булутлар*) метафора доирасида қолиб кетмасдан метафорик образ (*юлар офтобнинг сочларини*)га айланиб улгурган.

«Гарсиа Лорка шеърятининг образлар олами» деб номланган иккинчи бобнинг «*Гарсиа Лорка шеърларининг мавзу ва образлар тизими*» фаслида шоир ижодининг асосий мавзулари ва образлар дунёси таҳлилга тортилган.

Гарсиа Лорканинг ватани Испанияда Уйғониш реализми бошқа мамлакатларга қараганда анча кеч пайдо бўлди. Айни чоғда, уни тарғиб қилган гуманизм тарафдорлари ҳам католик идеологияси қаршичилигига учрадилар. Антик адабиётга таклидан эргашган, унинг қонунларини формал қабул қилган ва миллий анъаналарини инкор этган классицизм Испанияда ўз ривожн учун замин тополмади. XX асрнинг «20-йиллари ўрталарига келиб «Ревиста де Оксиденте» («Ғарбий шарҳ») журнали янги адабиётнинг ўчоғига айланди ва 1923 йилдан Ортега-и-Гассет муҳаррирлиги даврида янги босқичга кўтарилди»³. Файласуф, сиёсатшунос, назарийчи, санъатшунос ва публицист Хосе Ортега-и-Гассет (1883-1955) ёш адиблар орасида алоҳида мавқега эга эди. Унинг фалсафий қарашлари («Инсон қаерда тугаса, шеър шу ердан бошланади»⁴) ёшларга ўз таъсирини ўтказган, Федерико Гарсиа Лорканинг ижодий эътиқоди ҳам шу даврда шаклланган эди. Бундай тарихий вазият деярли ҳар бир ижодкор тақдирида акс этган *ўлим ёки ҳаёт* деган тушунчани кучайтирди. Урушн ҳис қилган, ҳаётида фожиали, аламли воқеаларни кечирган XX аср испан шоирлари орасида Гарсиа Лорка ҳам бор эди. Давр нафасини яхши англаган шоир адабиёт, санъат ҳақида: «Зиддиятли давримизда ижодкор халқ кулса кулиб, йиғласа йиғламоғи, ўз бинафшаларидан воз кечмоғи, белгича ботқоққа ботиб бўлсам, бинафша излаётганларга кўмаклашмоғи шарт»⁵ деган хулосага келди. Шоир шеърларининг мавзулар кўлами эрқка интилган («бинафша излаётган») испан

¹ Парфи Р. Юрагим тошларига шеърим ўяман. . Моҳият // – 2003 – № 26.

² Аристотель. Поэтика. – Т.: Ф. Фулон номидagi адабиёт ва санъат нашрияти, 1980. – Б. 42.

³ Плавскин И. Испанская литература XIX – XX веков – М.: Высшая школа, 1982. – С. 134.

⁴ Гассет Х. О. Дегуманизация искусства – М.: Радуга, 1991. – Б. 514.

⁵ Лорка Ф. Г. Избранные произведения: в двух томах. Т. 1 – М.: Художественная литература, 1975. – С. 9.

халқининг маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб шакллана бошлади. Нафислик драматургиясидаги мазмундор тимсоллар ўрнини даврнинг шиддатли метафоралари, миллий мотивлар ва фалсафий тафаккур эгаллади.

Шоирнинг биринчи «Шеърлар китоби» (1921) даврнинг улуғ шоири Хуан Р. Хименес (1881-1959) томонидан юқори баҳоланди, иккинчи тўплами («Биринчи кўшиқ», 1927) эса унинг номини Беккер, Мачадо ва Дарио сингари шоирлар қаторига қўйди. Лорка ижодида дастлабки асарлари биланок синга бошлаган халқ оғзаки ижоди анъаналари Ғарбий Оврупаннинг модерн шеъриятига боғланди. Шоирнинг элегия, баллада, романс, мадригал ва бошқа жанрлардаги асарлари янгича оҳанг ва овозда таралгани учун нафақат Испанияда, балки испан тили мамлакатларда ҳам акс садо берди. Бу ҳақда Пабло Неруда ёзади: «Лорка ва унинг дўсти Р.Альбертининг фольклорга мурожаати дастлаб ўйин, эрмакдай туюлди. Кейинроқ бу шоир (Лорка) «эрмак» даврини босиб ўтди ва унинг ижоди испан қисматининг тарихига айланди»¹. Лорка ижодий ўсиш жараёнида «ўйноқи ва оддий» бўлган халқона анъаналарни осон ва тезда ўзлаштириб олиб, халқнинг изтиробли дардини акс эттирадиган шеърлар билан бойитди.

Лорка ижодидаги бундай мураккаб ва рангин тимсоллар оламининг манбаи ҳақида сўз кетаркан, ғарб олимлари таъкидлаган испан фольклоригина эмас, балки Андалузиянинг жаҳонга ларза солган исломий маданиятини, Ибн Рўшд, Ибн Туфайл, Ибн Халдун, Мухйиддин ибн Арабий маънавий меросини ҳам назарда тутиш лозим. Ўрта асрлар испан қаҳрамонлик эпоси «Саййид ҳақида кўшиқ»да куйланган иймон ва эътиқод Лорка ижодида янгича оҳор ва талқинда акс-садо берди: *«фарёдлару нигоҳларнинг арабий бир назокати»* деб ёзганда шоир мусулмонлиқни қабул қилгани учун испан жандармлари топшириғи билан тўрт оғайни Эрредялар томонидан ўлдирилган Антонио ал-Комборо ва жандармлар сўйиб кетган унинг хотини Роза Комборонинг қисмати орқали *«қора атиргуллар яшнаётган мудҳиш жой»*ни англашга чақирган эди («Антонио ал-Комборо» шеъри). Жандармлар ҳақида бир неча романслар битган Гарсиа Лорка уларни лаънатлаш йўлидан эмас, балки улар келтирган офатни тасвирлаш йўлидан боради. Мисралардаги тасвир аниқлиги, манзарани расмоннинг назик қалами билан чизиш, хулоса чиқаришни шеърхоннинг ўзига ишониб топшириш каби услубий сифатлар кўзга ташланади. Шунингдек, Лорка шеърларида уч фаришта номи Жаброил, Микоил ва Исрофил (Рафонил) тез-тез тилга олинади. «Сан-Микоил» асарида исломий удуллар унутилган, энди азон овози келмас бўлган минора ёнидан насроний ибодатга шошмай, беҳис, бейймон бораётган аёлларни тасвирлайди. *«Там-там юриб борган Мадрид қизларини ўқтам йиғитчаларни ўзига тортмаган тунги ибодат»*, бунинг бонси «Сан-Микоил минорасининг тоқчасида ором олаётган тоқ рақамлар (яъни исломий тасбеҳлар), фарёдлару нигоҳларнинг арабий бир назокати», ибодат ҳам гўё бир тунги сайрдай бефайз. Чунки арабий бир назокатли зикру тасбеҳлар тоқчага чиққан, энди таомилда эмас. Бундай сўлғин руҳни «захил юзли, қари, сўқир, манилалик озгин роҳиб» ҳам ўнглай олмайди. Шунинг учун ҳам шоир халқ тилида дардчил оҳангда ёзганди:

¹ Неруда П. Признаюсь, я жил. Воспоминания (Перевод Э Брагинской и А. Синянской). – М.: 1978. – С. 179 – 180.

Андалуснинг йўллари
узун-узун, қизилдир¹.

Испан халқ кўшиқларида қизил ранг - қаҳр, қон ранги ва изтиробдир. Йўл эса Лорка шеърлятида энг кўп учрайдиган тимсоллардан, ўлим элчиси (умр йўли қонли, у ўлимга олиб боради) сифатида қўлланилади, қаҳру ғазаб эвазига тўкилган қонлар, изтироб ва ўлим тасвирланади. Г.В.Степанов ёзади: «Ўлим мавзуси, тўғрироғи, ҳаёт ва ўлим испан ва, умуман, жаҳон шеърляти учун мангу мавзудир. Бошқа қўллаб шоирлардан фаркли ўлароқ Лорка ўзининг фожиясидан кейинги келажак ҳаётни ҳам кўра олди ва шеърлярини ўша келажакка бағишлади»².

Ўлим мавзундаги асарларидан бири

Агар ўлсам,

очиқ қўйинг манзар эшигин!

деб бошланадиган шеърининг асл матни билан ўзбекча таржимани қиёслаш орқали Шавкат Раҳмон оригиналдаги оҳангни сақлай билгани ва имкон қадар асл нусханинг вазн хусусиятлари, тимсоллар олами ва ички руҳини таржимада гавдалантира олгани ҳам тадқиқотда кўрсатилган.

Ҳаётлик чоғида ўлимни энг кўп тилга олган шоир қатлининг сабаби турли хил манбаларда турлича ёритилади. Ўша давр испан матбуоти материалларини синчиклаб кузатиш орқали шўро адабиётида айюҳаннос солингани каби Лорка фашистлар қўлида эмас, балки Испаниянинг келажакга катта ҳавф солган ички душманлар орқали қатл қилинганининг гувоҳи бўламиз³.

Демак, Гарсия Лорка шеърлятининг мавзуси инсон ва табнат, ҳаёт ва ўлим, эътиқод ва иймонсизлик, эрк ва тутқунлик, муҳаббат ва ёвузлик бўлиб, уларнинг аксарияти шоир яратган метафорик образларда акс этган.

Иккинчи бобнинг 2 - *фаслида «Гарсия Лорка шеърлятидаги метафорик образ табиати»* ўрганилди. Метафорик образ шоир ҳис-туйғусини ёрқин ифода этувчи фокус бўлиб, шеърлятда бу образ лирик қаҳрамон кечинмасини гавдалантиради, унинг шахсий қиёфасини, ижодий манерасини кўрсатади. Шоирнинг субъектив олами метафорик образ ёрдамида объектив оламга кўчади.

Лорка шеърлятида метафора асарнинг поэтик безағигина бўлиб қолмасдан, асар ғоясини конкретлаштирувчи восита сифатида юзага чиқади: «*Кифтларида шомни судраб, уфққа аста қайтади кун*». Ҳаётдаги бирор бир воқеа-ҳодиса ёки бир предметнинг, белгининг, ҳаракатининг номини бошқа предметга, белгига ҳаракатга кўчириш йўли билан лексик маънода тараққиёт юз беради.

Лорка ранглар тимсолларидан фойдаланиб оригинал метафорик образлар яратади. Ранглар испан халқ кўшиқларида: «Сиёҳ ранг - мотам; бинафша ранг - жудоник, хотира, садоқат; кўк ранг - мангулик, ҳақиқат, адолат, сабот; яшил ранг - омад, ҳиссиёт; оқ ранг - ўлим, мангулик, эътиқод, озодлик; кул

¹ Лорка Ф. Г. Энг қайғули шодлик - Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашрияти, 1989. - Б. 76.

² Степанов Г.В. Язык литературы и поэтики. - М.: Наука, 1988. - С. 196 - 197.

³ Гибсон Я. Гранада 1936 г. Убийство Федерико Гарсия Лорки (Купфон К. Вот из - за чего убили Федерико Гарсия Лорку: Жан-Луис Шонберг. Наконец известна правда о смерти Лорки. Росалес А. Председатель ФУЭ Гранады подтверждает, что Гарсия Лорка был расстрелен) - М.: Прогресс, 1986. - С. 228 - 244

ранг - қайғу; сариқ ранг - қуёш, бугдой, қувват, илҳом, шуҳрат; қизил - қаҳр, қон ранги, изтироб, эҳтирос, ғурур» рамзидир. Ранглар ифодаланишини Лорканинг қуйидаги мисраларида кўриш мумкин: «*Мовий* хайит. *Оппоқ* арафа», «*Яшил* осмон тубида, *яшил* юлдуз мўлтирар», «*Сариқ* минорада кўнғироқ жаранги, *сариқ* шабадада тик сузар оханг». Лорка ижодида табиатнинг ҳар бир унсури ҳаёт ва мамот оралиғида титраб турган дардчил юракка ҳамдардлик қилади, руҳиятига мослашади. Гуллар ва дарахтлар: *гулхайри* - алам, маҳкумлик, хиёнат; *терак* - мағрурлик; *бодом* - назокат, бевақт ўлим; *чиннигул* - завқ-шавқ; *ёсмин* ёки *суман* - садоқат, назокат; *заранг* - соф ишк; *сабур* - оғрик, қизғалдоқ, таскин оний умр, бекор тўкилган қон; *қушқўнмас* - азоб; *сарв* - қабристон дарахти, қайғу, мотам рамзи; *анжир* - ўлим рамзидир ва ҳоказо.

Кўл тегмаган *яшил* овоза,
анжир менга шохларин чўзар.
Қора қоплон каби пойлайди
илҳомимнинг сояларини.
... Тўлқинланиб, кўтариб фарёд,
анжир менга қараб юрди бот.

Яшил ранг билан боғлиқ метафорик образ шоирнинг омадини, ҳиссий ёшаришини англатса, тўлқинланиб, фарёд кўтариб келаётган анжир, маълум шубҳа, гумондан хабар беради. Ёки анжирзор - «*кўзсиз ўлим*, новаклар макони».

Демак, Лорка шеъриятида метафора фақат бадий тасвир воситаси, метафорик образ туригина эмас, балки кучли ижтимоий мотивлар ташувчи шеърӣ услуб, дунёни ўзгача кўриш, ҳис ва тафаккур қилиш қуроли ҳамдир.

Учинчи боб «**Шавкат Раҳмон шеъриятида метафорик образ талқини**» деб номланиб, унинг *шоир шеъриятининг поэтик* хусусиятларига бағишланган биринчи фаслида Шавкат Раҳмон шеърларининг тимсоллар дунёси, услубий ўзига хослиги ва бунинг натижасида юзага чиққан ижодий тажрибаси ҳақида сўз юритилади.

XX асрнинг 70-йиллари шеъриятида ҳаётни чуқурроқ англаш, идрок этиш ва идрок этилган ҳаётни янгича шакл ва оҳангларда бадий акс эттиришга интилиш тамойиллари кучая борди. Бу даврда адабиётимизга кириб келган истеъдодли шоирлар адабий иқлимни ўзгартириб юборди. Усмон Азим, Хуршид Даврон, Азим Суён, Шукур Қурбон кейинроқ Муҳаммад Юсуф, Абдували Қутбиддин, Сирожиiddин Саййид каби шоирлар шеъриятида исканжада яшаган халқнинг мустақилликка эришиш орзулари, «эркиннинг таъмини унутиб юборган халққа ажодлар руҳидан мадад, илтижо, қизил империянинг жон талвасаси қурбони бўлган шахидлар тимсолидаги ибрат ва бедорликка чакриув», «тўрдагилар ҳокиму мутлак пастдагиларга юмук кўз» замонида сарсон кезаётган девонан ҳақгўй руҳидаги қайсарлик манзаралари бўртиб кўзга ташланади»¹.

Шеърятда бадий тафаккур нурлари яққол жиҳва бериб турган шоир Шавкат Раҳмоннинг «Рангин лаҳзалар», «Гуллаетган тош», «Юрак қирралари», «Сайланма» шеърлар тўплами ўзига хос янгилик бўлди. «Ҳар даврнинг ўз киёфаси, юриш-туриши бўлади. Айни ўзгачалик, кўпинча, шу

¹ Сувонова Ж. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадий изланишлар. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореферати. – Т.: 2000. – Б. 3.

даврда яшаган инсоннинг умумий кайфиятини белгилайди. Зеро, одамзоднинг ҳаёли ҳар канча учкур бўлмасин, у ўз даврининг кўринмас ришталаридан батомом узилб кетолмайди»¹. Шоир Шавкат Раҳмон жуда қисқа умр кўрди, лекин ана шу қисқа умри давомида эрк ва озодлик учун курашди, «накадар продалди, накадар ботиний қудратга эга эканини бетоблик пайтида гўё яна бир бор исботлаб берди. Шавкат Раҳмоннинг қалби ... баркамол қалб, комил қалб... Ўзлигини англаган, ўзлигини танитган қалб»².

Ўзбек китобхонлари испан шоири Гарсиа Лорка шеърларини Шавкат Раҳмон таржимасида ўқиган. Шу маънода Шавкат Раҳмон фақатгина таржимон эмас, балки ўзбек адабиётида Лорка ижодининг тарғиботчиси ва бу улуг дарёдан сув ичиб улғайган биринчи ўзбек шоири ҳамдир. Бу икки шоир шеъриятидаги поэтик яқинлик дунёни ўзига хос равишда кўриш, кузатишда, уни илгашда, бетакрор поэтик тимсоллар воситасида қабул қилишдагина эмас, балки тасвирий ифоданинг усул ва воситаларида ҳам кўринади:

Хавф хатарга очик шаҳар
чиёлар экан бетин қопқа,
бирданига *қирқта қаттол*
кириб келар улкан қопга...

Қирқта тар гулимни айладим хароб,
қирқта қул кўзи-ла кўрдим
дунёни.

Қирқта қора қул ётар мозийда,
қирқта черигини йўқотган бекман.

Сиртмоғидан пирпираклар
Ерга қулар *чўзиқ доддан*.
Қиличлардан *қиймаланган*
бодни топтаб ўтар отлар³
(Гарсиа Лорка)

Тухмат мурдалари қалашиб ётган,
Иғволар қуртлаган шўрлик диёрда
Замону маконин буткул йўқотган
бир улуг *фарёдни*г боласи зорман⁴
(Шавкат Раҳмон)

Ушбу минсралардаги умумийлик фақат *қирқ* рақамининг такрорида эмас, балки бу магик рақамни ҳар бир шоир томонидан шеърнинг ички талаби билан қўлланишидадир. Лоркада *улкан қоп* – шаҳарга кириб келган жандармерия - *қирқ қаттол*, ўзбек шоирида эса, мустамлака юртда *қирқта қора қул* ётибди, улар жангговор сафда, курашда эмас. Испан шоирида эътибор қирқ қаттолнинг қилиғи - қиличлардан *қиймаланган бод*, бунинг эвазига юзага келган *чўзиқ дод* бирламчи тасвирда. Ўзбек шоири талқинида *қирқта черигини*гина эмас, замону маконин йўқотган қул, шунинг учун у *улуг фарёдни*г боласи.

Шавкат Раҳмон шундай ёзганди: «Дастлабки тажрибаларим «Сайланма» номи билан нашр этилгани мен учун нечоғли қувончли бўлганини айтмай кўяколай. Аммо бу қувончнинг умри қисқа экан. Тез орада, ўйлаб қарасам, Лорканимас, Лорканинг таржимонларини таржима қилганим аёнлашди, Лорка шеърларининг асл қиёфасини кўриш иштиёқида ёнавердим»⁵. Оташнафас шоир шеъриятига ошиқ бўлган Шавкат Раҳмон испан тилини, Испания

¹ Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 90

² Қўчқор Р., Боқий Н. Гул қаҳри. Китобда: Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Т.: Шарқ НМК, 1997. – Б. 374.

³ Лорка Ф. Г. Ёнг қайғули шодлик. – Б. 231.

⁴ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Т.: Шарқ НМК, 1997. – Б. 370.

⁵ Лорка Ф. Г. Ёнг қайғули шодлик. – Б. 7.

шаҳарларида бўлиб, испан маданиятини ўрганди. Лорканинг «Энг қайғули шодлик» шеърӣ китоби (1989) шу тарзда ўзбек тилида нашр этилди.

Дастлаб Гарсиа Лорка шеърӣтига таржимон сифатида ёндашган Шавкат Раҳмон шеърларида метафорик образдан муҳим тасвирӣй восита сифатида фойдаланган, шу билан бирга миллий колоритни олиб кирган эди. Бу икки шоир ҳаёти ва ижодидаги муштарақлик, уйғунлик шундаки, иккала шоир ҳам ўзига хос ўткир шоирона нигоҳ эгалари бўлиб, улар дунёни, ҳаётни жуда нозик ва оригинал поэтик образлар орқали гидрок этардилар. Замон ва замин, истиқлол ва эркинлик, табиат ва ҳаёт, инсон феълӣдаги зиддиятлар, ўйлар, фожиалар тасвир объектига айланди. Бунини Шавкат Раҳмоннинг таржимасидаги Лорка шеърӣда кўрса бўлади:

Мана, баланд панжарага
яқин келар икки ошна.
Изларида судралар қон,
изларида қолар ёшлар.
Фира-шира чироклар ҳам
милт-милт ёнар томлар узра.
Юз минглаган биллур дафлар
*Тонгинг тоғли хобин бузар!*¹

Шавкат Раҳмон ижтимоӣ ҳаётда инсон етук онгли мавжудот эканлиги, унинг эҳтиёжи чексиз эканлигини таъкидлар экан, шу билан бирга тубан инсонлар ҳам борлигини унутмайдн. Шоир муҳит, давр адолатсизликларни натижасида инсон юрагига туғилган аламли изтиробларни рўй-рост кўрсатади. Шунинг учун ҳам поэтик қўчим ўз вазифасини аниқ бажаради: «*Гуллаган ўриклар жон ўртагувчи – оқ ҳижоб ёпинган шўх раққосалар*», *Тугилган ой - қадимги фонар...* *Ернинг қонга бўялган муштии* - анор. Шавкат Раҳмон талқинида *тун, ой, нур, осмон, тонг, булут* тимсоллари табиат тасвиригина эмас, балки инсон руҳиятининг турли хил манзаралари. Шунинг учун ҳам инсоннинг қисмати табиат ҳодисалари билан уйғун:

Ўрмонлар жим, йиғламас шамол,
сой сайрамас, бақалар жимдир.
Ингрокларга тўлиб кетган тун-
ғамгини қўшиқ айтади кимдир?²

«Поэтик образ ҳаёт ҳақидаги шоирона ҳаёл ва тафаккурнинг конкрет ҳис-туйғу, кечинма орқали махсус суратланишидир»³. У ўқувчига муайян эстетик туйғу уйғотиш учун яратилади. Бунини шоирнинг сўз маъносини янги жилолари билан кўрсатишга эришган «Мусаввирона», «Муҳоҷидона» каби туркумларида кўраимиз. «Гуллаган тош», «Қоп-қора чечаклар» туркум шеърларидаги метафоралар вояга етиб равшанлашган шоир идеаллари: «*Вақт кафтилари*», «*Тухмат чаёнлари чакқан бетимга қонли рўмолларнинг учлари тегди*», «*Игво чечаклари, фитна боғлари*», «*Қиличдай чарақлар ой нурида йўл*», «*Қаргалар қарғишдай қўнган ерлар*», «*Куйган кечаларнинг қалтис авжи*», «*Қорайган чўққилар қори*» ва ҳоказо. Унинг шеърларида ўзига хос образлар маълум бир поэтик тизим даражасига кўтарилган. Хусусан, тун, қун ва ой билан боғлиқ рамзий образлар *тунлар зулмати, изгирин тун, тиз*

¹ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Б. 108.

² Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Б. 61.

³ Акрамов Б. Шеърӣят гавҳари: лирикада образ муаммоси. –Т: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1979. – Б. 3.

чўккан тун, уфққа аста қайтади кун, ой ҳам саҳро жилваси каби поэтик бирикмаларда ўз аксини топади.

Тўлиб кетди қарғага осмон,
ҳатто аранг кўринади кун.
Қарғалармас гуё қағиллаб,
учиб юрар парчаланган тун¹.

Тун - бу тутқунлик, ўз эрки, озодлигидан маҳрум бўлган халқ, миллат фожияси. Бундай ҳолатни шоир феълидаги ўжарлик, мардлик, жўмардлик кўтара олмайди. Шоир ёлғонни, мансабпарастликни, мунофиқликни, адолатсизликни ёқтирмайди. У метафорик образ ёрдамида тузумдаги қусурларни - бошқалар кўрмаган, кўролмаган, балки кўришни хоҳламаган нуқсонларни ошкор этади. «Шунинг учун ҳам биз Шавкат Раҳмон шеърятини моҳиятан ҳар нарсадан олдин ҳақиқатнинг кўзларига тик қараш шеърятини деб айта оламиз»². Шавкат Раҳмоннинг воқеликка, олинган масалага ҳақиқат ва адолат кўзи билан қараши, уни халқнинг қисмати, фожиясига бефарқ эмаслиги, халқ манфаати йўлида ҳар қандай курашга тайёр эканлиги ҳар бир яратган образида сезилиб туради. Шоир шеърятининг умумлаштирувчи кучи, фалсафий чуқурлигини оширишда метафора, эпитет ва истиораларга асосланган образлар муҳим роль ўйнайди. Шу жиҳатдан диссертацияда шоирнинг асарлари Хуршид Даврон, Муҳаммад Юсуф шеърлари билан қиёсланади ва 70-80-йиллар ўзбек шеърятини ҳеч ким Шавкат Раҳмончалик метафорик образдан «хўп ва кўп» фойдаланмаган деган ҳулосага келинади.

«Шоир ҳар мисрада «Мен - бахтиёр!» деб илжайиб турадиган қаҳрамонни рад этади. Шавкат шеърятда ҳаётнинг ҳамма зиддиятларини, мураккаблиklarини ҳаққоний ифодалаш принципини олға сурган»³. Шоир XX аср ижтимоий ҳаёт воқеаларига қараб турмади, халқ бошига тушган фожияли қисмат, миллатнинг аянчли аҳволига ўз муносабатини билдирди:

Ажабланиб юрманг, башарангизга
эртага биронта бола тупурса...
Шундоқ қилмасалар агарда улар,
билингки,
оркалаб ўз юкларини
ё сизга эргашган ва ёки сиздан
қизғонган ҳаттоки тупукларини»⁴.

Ҳақиқатан ҳам шоир айтганидек, ўз динига оламни мослаган кимсалар келажақ ташвиши билан қизикмади. Фақат ўз ташвиши билан яшайди. Шоирнинг лирик қаҳрамони ҳаётда ўз мавқеига эга, турли-туман иллатларга қарши муросасиз шахсдир. Унинг елкасида «қақишаган асрлар юки - кишанлар, фарёдлар, сўнгсиз урушлар» ётади. Шоир кўнглидаги исён, ғазаб, нафрат ва оғриқларнинг тугилишига сабаб бўлган иллатлар адолатсизлик, лоқайдлик ва иккиюзламачиликлар очиб берилган.

Бобнинг 2-фасли «Шавкат Раҳмон шеърларида метафорик образ» деб юритилиб, бунда шоир ижодининг ўзига хос хусусиятлари, тасвир

¹ Шавкат Раҳмон. Сайланма. — Б. 10

² Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. — Б. 98

³ Шарофиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. — Т: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти, 1989. — Б. 48.

⁴ Шавкат Раҳмон. Сайланма. — Б. 187

воситаларидан фойдаланиш усули, жумладан, метафорик образ яратишдаги бетакрор ижодий йўли тадқиқ этилади.

Шавкат Раҳмоннинг ҳаёт адолатсизликлари туфайли «урилиб, сурилган кўнгли» савоб ва гуноҳ, эзгулик ва ёвузлик, фараҳ ва изтироб ўртасидаги мушоадаларда қийналган. Ўзликни англашни инсоний бурч деб билган бу кўнгилни на-да алдаб, на-да авраб бўлади. Унга фақат хиёнат қилиш мумкин, хиёнат туни қалбнинг қазо тунига тўғри келади:

*Ит базми қизиган ойсиз шомлардан
қизғониб обқочдим дарё дилимни.
Бу чиркин оғизлар.....
синган каллалар.....
иғводан, бўҳтондан осилган тиллар...
ҳирслар лашкарлари босган паллада
шоҳларни бўғизлаб ташлаган диллар¹.*

Унинг ғоявий-эстетик идеали *ит базми қизиган ойсиз шомлар* каби метафорик образда мужассамлашади. Шоир бундай образлар орқали исёнкор зийли шахс кечинмасини қизиб беради. Бу шахснинг қалб кўзи очик, у ҳар нарсани кўради, бор нарсани билиб олади. *Итлар базми* кўчма маънода ишлатилиб, жамиятдаги бемехр, оқибатсиз, тухмат қилувчи кишиларга нисбатан қўлланилган. Афсуски, уларнинг базми *ойсиз шомларда* бўлсин давом этмоқда:

*Шунданми, бошида теридан қолип,
Саксовул сингари майишган будун
Бир саҳро...
Ўзликни ўстирай
борми маҳзада
хоинлар сийдиги сачрамаган ер².*

Бошида теридан қолип - манкуртлик белгиси бўлса, *саксовул сингари майишган будун* - қоматини тик тут олмаётган, мағрур тура олмаган ва таъзимга қўниккан халқнинг аҳволи:

*Қачон тиз чўкувдик,
ҳамон иззамиз,
сиркираб оғрийди шишган тиззамиз,
ўриндан озгина турсак майлиму?³*

Шавкат Раҳмон метафорик образга мурожаат этар экан, унга янгича маъно юклашга интилади. Ижтимоий воқеликка муносабат билдиришда метафорик образ шоир учун фаол восита ҳисобланади. Ҳақиқат шоир учун энг муқаддас, у яшаётган мамлакат бутун ёлғонга қўмилган, унинг атрофида эса, бўҳтон ва ҳирсга берилиб кетган кишилар тўлиб-тошган. Шоир ўзининг омонат фурсатини ўйлаб эмас, балки кўпнинг, халқнинг манфаати учун адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашга аралашади, ҳақиқатни айтиш учун эса, биргина ҳақ сўз керак. Ундан чекиниш қаламга ҳам, виждонга ҳам хиёнатдир. Шоир образларидаги мураккаблик, сермаънолилик, фидойилик ва жўмардлик унинг лирик қаҳрамон кечинмасининг асл моҳиятини ташкил этади.

¹ Шавкат Раҳмон. Сайланма — Б. 375.

² Шавкат Раҳмон. Сайланма — Б. 329.

³ Шавкат Раҳмон. Сайланма. — Б. 355

Тарихда босиб олинган юртлар доимо таланган, бу ҳодиса туркийлар ватанига ҳам даҳлдор. Шеърда босқинчиликнинг, ёвнинг ғаразли мақсади аниқ кўрсатилган. Шоирнинг:

Жўмардлар қирилган Туронзаминда,
дўзахий тажриба палласин кўрдим –
каби минсраларида халқ фожиаси алоҳида бир қулончақлик билан англатилади.
Энди бу юрт даъватга қулоқ беролмай қолди. Чунки:
ўгрилиб сал орта қарайин деса,
бошига урарлар,
фақат бошига.

Халқнинг боши - бу зиёлилар. Ҳар қандай зарба миллатнинг бошига ўлим ташвишини келтиради. Бироқ зиёли бунга кўникмаслиги, унга қарши халқни оёқлантирадиган даражада қудратга эга бўлиши керак. Акс ҳолда, зиёлининг боши тез эгилади; эгилган бошни қилич чопмайди, бироқ халққа, миллатга эгилган бош эмас, балки унга ғурур олиб келадиган, унга эрк берадиган зиёлилар керак.

Диссертациянинг Хулоса қисмида баён қилинган илмий мулоҳазалар, таҳлили ва талқин натижалари бўйича қуйидаги назарий умумлашмалар қилинди:

1. Арасту давридан бошлаб кўчим тури сифатида қаралган метафора мумтоз адабиётшуносликда истиора (адабий истилоҳ) сифатида бадний тасвир воситаси қилиб белгиланди ва унинг назарий қамрови бадний санъатлар доирасида қайд этилди. XX аср адабиётшунослигида бадний тафаккур тараққиёти ва назарий янгиланишлар сабабли метафорага ижодкорнинг дунёни ўзига хос кўриш, тушуниш ва тушунтириш йўли сифатида қараладиган бўлди

2. Метафора, метафоризм, образ метафоризми (тимсол истиоравийлиги) каби тушунчалар тадриждан келиб чиқиб, метафорик тафаккур асосига қурилган метафорик образ (истиоравий тимсол) тушунчаси шаклланди ва унинг назарий асослари ишлаб чиқилди. XX аср бошлари Ғарб шеърлятида бу тимсол тури фаол қўлланилиш даврига кирди.

3. XX аср шеърлятининг етук намоёндалари, жумладан, Федерико Гарсиа Лорка шеърлятида образнинг бу типи янги-янги поэтик кўринишлари билан инкишоф этилди. Мураккаб қисматли шоир Гарсиа Лорка метафорик образ ёрдамида Испаниядаги ноҳақ талотумларни, халқнинг тушқун кайфиятини тасвирлади.

4. Шоир ижодига Андалусиянинг қадимги соҳир шеърляти ва маданияти, халқ ижоди анъаналари ўз таъсирини ўтказди, унинг шеърлярида Шарқ поэтикасидаги нафосат билан Ғарб шеърлятидаги аниқ тасвир омухталигини кузатиш мумкин. Метафорик образ табиатидаги кўчмчилик, образ метафоризми Гарсиа Лорка ижодий услубига сингган поэтик ҳодиса экани аниқланди.

5. 70-йиллар ўзбек шеърлятига кириб келган шоирлар орасида Шавкат Раҳмоннинг ўз сўзи, услуби, дунёни англаш ва англатиш воситалари борки, булар шоирнинг ўзига хос поэтик дунёсини белгилайди. Шавкат Раҳмон ўз шеърлярида ҳаётдаги ижтимоий муаммо ва ноҳақликларни акс эттирди, жамият бузуқликларини ўзининг шахсий дарди каби англади ва ўқувчиларга англата билди.

6. Шавкат Раҳмон шеърияти маъно, мавзу ва фикрлар қўламини, ҳис-туйғу ранг-баранглиги билан бир қаторда ўзига хос янги поэтик шакллар қўллай билган шоир сифатида из қолдиради. Шоир жаҳон шеъриятидаги юксак поэтик шаклларга мурожаат этар экан, испан шоири Гарсиа Лорканинг шеърий тажриба мактабидан озикланди. Бироқ Гарсиа Лорка ижодий тажрибасига мурожаат ўзбек шоирига ўзлигини таниш ва бетакрор истеъдодини янги поэтик воситаларда кўрсата олиш имкониятини берди.

7. Шавкат Раҳмон миллат дардини қўйлаган шоир сифатида метафорик образ таркибига миллий колоритни олиб кирди. Гарсиа Лорка метафорик образ доирасида Испания ва қадимги Андалузия анъаналарига эътибор қаратган бўлса, Шавкат Раҳмон шеъриятида миллат келажаги ҳақида қайғуриш, миллий зиёлиларни ҳалқ етакчиси деб билиш метафорик образ имкониятлари даражасида бадий талқин қилинди.

8. Шавкат Раҳмоннинг ўзбек шеъриятидаги муваффақиятини таъминлаган омиллардан бири унинг бетакрор шеърий истеъдоди билан бирга шоир қўллаган образлар тизими, хусусан, метафорик образ табиатига уйғун ҳолда илғор замонвий усул (оксиморон) ва воситалардан самарали фойдалана билишидандир.

9. Шавкат Раҳмон ижоди XX аср ўзбек адабиётининг энг сара асарларини ташкил қилади ва миллий шеърятнинг келажақда илғор шакл ва воситалар билан бойишида ўзига хос тажриба мактаби бўлиб хизмат қилди.

10. Метафорик образ XX аср шеъриятидаги етакчи бадий воситалардан бири бўлиб, у Гарсиа Лорка, Рафаэль Альберти каби испан шоирларининг асарларида фаол қўлланилган. Ўзбек шоирлари, хусусан, Шавкат Раҳмон бу образнинг поэтик имкониятларидан келиб чиқиб ижтимоий ҳаётнинг муҳим муаммолари, инсоннинг қалб кечинмалари ва руҳий оламини бутун мураккабликлари билан акс эттиришга ҳаракат қилдилар.

Диссертациянинг асосий мазмун қуйидаги мақолаларда ўз аксини топган:

1. Мирзаева Н. Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеъриятида метафорик образ табиати. // Тил ва адабиёт таълими. - 2003. 1-сон. - Б. 53-56.
2. Мирзаева Н. Шавкат Раҳмон шеъриятида поэтик образ табиати. // Тил ва адабиёт таълими. - 2003. 5-сон. - Б. 58-60.
3. Мирзаева Н. Тимсоллар оламида жилоланган ранглар // Мулоқот. - 2005. 3-сон. - Б. 38-39.
4. Мирзаева Н. Метафорик образнинг моҳияти ва адабий-назарий қамрови. // Филология масалалари. - 2005. 2-3-сон. - Б. 59-63.
5. Мирзаева Н. Гарсиа Лорка шеърларининг мавзу ва образлар тизими // Жаҳон адабиёти. - 2006. 5-сон. - Б. 155-157.
6. Мирзаева Н. Академик лицейларда Шавкат Раҳмон ижодини ўрганиш. // Педагог ходимлар малакасини ошириш истиқболлари: янги методология ва технологиялар. Илмий – методик конференция материаллари. - Т.: - 2002. -Б. 80-82.



Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Мирзаева Нигора Бозоровнанинг 10.01.08 - Адабиёт назарияси
ихтисослиги бўйича «XX аср шеъриятида метафорик образ муаммоси
(Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеърияти мисолида)» мавзuidaги
диссертациясининг

Р Е З Ю М Е С И

Таянч (энг муҳим) сўзлар: Шеърят, образ, метафора, метафорик образ, метафорик тафаккур, бадний воситалар, шеър тузилиши, ўзига хослик, услуб, бадний маҳорат.

Тадқиқот объектлари: Федерико Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеърияти.

Ишнинг мақсади: Адабиётшуносликда метафорик образ табиатини тадқиқ этиш ҳамда Гарсиа Лорка ва Шавкат Раҳмон шеъриятини қиёсий ўрганиш орқали ушбу образ табиатига доир назарий умумлашмалар яратиш.

Тадқиқот усули: Назарий таҳлил ва тарихий-қиёсий адабиётшунослик.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Адабиёт назариясида илк бор метафорик образ табиати назарий жиҳатдан ўрганилди. Илмий-назарий умумлашмалар испан шоири Федерико Гарсиа Лорка ҳамда ўзбек шоири Шавкат Раҳмон ижодини қиёсан ўрганиш натижасида қўлга киритилди. Диссертация хулосалари ўзбек адабиётшунослигида бадний образ поэтикасини тадқиқ қилишда, уни янгича қарашлар билан бойитишда аҳамиятлидир.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларининг бакалавриат ва магистратура босқичидаги филолог талабалар учун Адабиёт назарияси фани бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда; олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳозирги ўзбек адабиётидан дарс беришда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Адабиётшунослик.

РЕЗЮМЕ

диссертации Мирзаевой Нигоры Базаровны на тему « Проблемы метафорического образа в поэзии XX века (на примере творчества Гарсиа Лорки и Шавката Рахмана)», представленной на соискание учёной степени кандидата филологических наук по специальности
10.01.08 – Теория литературы.

Ключевые слова: Поэзия, образ, метафора, метафорический образ, метафорическое мышление, художественные средства, стихосложение, поэтическая индивидуальность, художественный стиль, поэтическое мастерство.

Объект исследования: Поэтические произведения Федерико Гарсиа Лорки и Шавката Рахмана.

Цель работы: Изучение природы метафорического образа и создание теоретического обобщения в аспекте сравнительного изучения поэзии Г.Лорки и Ш. Рахмана .

Метод исследования: Теоретико-типологический анализ и сравнительно-историческое литературоведение.

Полученные результаты и их новизна: Впервые в теории литературы изучается природа метафорического образа. Теоретические обобщения получены в сравнительном изучении творчества испанского поэта Г. Лорки и узбекского поэта Ш. Рахмана.

Заключения диссертации могут быть использованы в исследовании поэтики художественного образа и обогащать его с новыми теоретическими взглядами узбекского литературоведения.

Практическая значимость: В создании учебных пособий и учебников по теории литературы для филологов бакалавров и магистров высших учебных заведений; в преподавании современной узбекской литературе в высших и специальных учебных заведениях.

Область применения: Литературоведение.

R E S U M E

**Thesis of Mirzayeva Nigora Bozorovna on the academic degree competition of
the candidate of philology sciences, speciality**

10.01.08 – The Theory of Literature.

**Subject: The problem of metaphoric image in the poetry of XXth century (by
the examples of Garcia Lorka and Shavkat Rakhmon's poetry.)**

Key words: poetry, image, metaphor, metaphoric image artistic means, the structure of poem, style.

Subjects of the inquiry: The Poetry of Federico Garcia Lorka and Shavkat Rakhmon.

Aim of the inquiry: to study the nature of metaphoric image in literature, by studying of Garcia Lorka and Shavkat Rakhmon's poetry comparatively to creat theoretical generalization to the nature of those images.

The methods of inquiry: Theoretical analysis e and historical-comparative literature.

The results achieved and their novelty: to study the nature of metaphoric image primarily by theoretical feature in the theory of literature. The theoretical generalizations have been taken on studying comparatively of the spanish poet Federico Garcia Lorka and Shavkat Rakhmon's creatures. The conclusions of the dissertation may grow rich by the new artistic views on studying the poetics of an artistic image.

Practical value: it can be used in creating text books, manuals for bachelor and master's degree students of philology; in teaching Modern Uzbek literature in higher and secondary specialized schools.

Sphere of usage: The study of literature.

Босишга рухсат этилди: 20.04.2006. Ҳисоб напшиёт табоғи т. 1,5
Шартли босма табағи 1,5 Бичими 84х60^{16:1}
Алди 100 Буюртма № 22

«МИКРОВИТ-В» кичик босмахонасида кыпайтырилди